

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УБАЙДУЛЛАЕВА СЕВАРА АБДУЛЛАЕВНА

**ЎСМИР ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ НОИНФЕКЦИОН
КАСАЛЛИКЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ, УЛАРНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШГА ЁНДАШИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the dissertation abstract of doctor of Science (DSc)

Убайдуллаева Севара Абдуллаевна

Ўсмир ёшдаги болаларда сурункали ноинфекцион касалликлар шаклланишининг хусусиятлари, уларни ташхислаш ва даволашга ёндашишни такомиллаштириш йўллари..... 3

Убайдуллаева Севара Абдуллаевна

Особенности формирования хронических неинфекционных заболеваний у детей подростков, пути совершенствования диагностических и терапевтических подходов..... 29

Ubaydullaeva Sevara Abdullaevna

Features of the formation of chronic non-infectious diseases in adolescent children and ways to improve diagnostic and therapeutic approaches..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publication work 58

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТИ ИНСТИТУТИ

УБАЙДУЛЛАЕВА СЕВАРА АБДУЛЛАЕВНА

**ЎСМИР ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ НОИНФЕКЦИОН
КАСАЛЛИКЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ, УЛАРНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШГА ЁНДАШИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.Тиб69 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва "Ziynet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамансурова Эльмира Аммануллаевна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шарипов Алишер Мирхамидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шарипова Мадина Каримовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Холматова Барно Турдиходжаевна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Белоруссия дипломдан кейинги таълим тиббиёт академияси

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Тиб.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «20» ноябрь соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «14» ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил « » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессо

КИРИШ (фан доктори диссертацияси аннотацияси (DSc))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тиббиёт фани ҳамда соғлиқни сақлашдаги ютуқлар бутун дунёдаги касалликлар ва ўлим кўрсаткичини ортишига таъсир этиб бораётган ташвишли омилларни яшира олмади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, “... дунёнинг индустриал ва ривожланган давлатларида сурункали ноинфекцион касалликлар билан оғриган беморлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда”¹. Айтилган сурункали ноинфекцион касалликлар (СНИК) билан курашиш миллат саломатлигини бошқарувини замонавий концепциясида асосий ҳисобланади. Ўсмир ёшдаги болалар орасида ноинфекцион касалликлар 70%да учраб, уларнинг ярмидан кўпиди 2 ва ундан ортик касалликлар ташхисланади. Бунда саломатликни, хусусан кутилаётган умр давомийлигини яхшилаш мақсадида ўсмирлик ёшида юрак қон-томир ҳамда бошқа сурункали ноинфекцион касалликларни олдини олиш ва даволаш бирламчи ахамиятга эгадир.

Жаҳонда болалар касалланишида ижтимоий ва тиббий муаммоларнинг муҳимларидан бири бўлган СНИК камайтириш бўйича этиологик омиллар улушини ўрганиш, диагностика, дифференцирлаш, прогноз ва даволаш чора-тадбирларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур касалликлар сезиларли даражада тарқалганлиги боис, уларни профилактикаси, самарали даво, касаллик асоратларини олдини олиш ва унинг кечувидаги турғун ремиссия даврини узайтириш соғлиқни сақлашнинг муҳим бир вазифаси ҳисобланади. Бугунги кунда ўсмир ёшдаги болаларда сурункали ноинфекцион касалликлар таркибининг асосий ўринини артериал гипертония, қандли диабет ва бронхиал астма касалликларига туғри келади, шу муносабат билан ўсмир ёшдаги болаларда сурункали ноинфекцион касалликларни ривожланиши ва кечишининг диагностик ва прогностик мезонларини, шунингдек, даволашнинг шахсий усулларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолиси орасида касалликларни эрта ташхислаш ва уни сурункали шаклига ўтишини олдини олиш бўйича асосли натижалар олинган, шу ўринда кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, айнакча, болалар ва ўсмирларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаш-тириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимининг камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш»² вазифалари белгиланган. Бу борада жумладан аҳолига

¹World Health Organization – Cancer Country Profiles, 2014.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, ўсмир ёшдаги болаларда ноинфекцион касалликлар ривожланиш хавфини ташхислаш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Ноинфекцион касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаш ва аҳолида жисмоний фаолликни ошириш тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, хомиладорлар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматларни яхшилаш ва кенгайтириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотни республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда, бутун дунёдаги каби, бугунги кундаги касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг асосий юкламаси сурункали ноинфекцион касаллик (СНИК)лар тўғри келади. 2018 йили сурункали ноинфекцион касалликлардан ўлим кўрсаткичи 91,4%ни ташкил этди. СНИК таркибида юрак-қон томир касалликлари (61,1%), нафас аъзолари касалликлари (6,1%), ўсма касалликлари (7,4%), ҳазм аъзолари касалликлари (5,8%) ва бошқалар (11,0%)ни ташкил қилган (ЎЗР статистик маълумотлари 2018 й.). ЖССТ ташкилотининг 2017 йилги маълумотларига кўра, ҳар йили сурункали ноинфекцион касаллик (СНИК)лардан 41 миллион одамлар вафот этади, бу ўз ўрнида дунё бўйича ўлим кўрсаткичини 71% ни ташкил қилади.

Сурункали ноинфекцион касаллик (СНИК)лар профилактикасидаги асосий ҳавф омил (ХО)лар концепциясини негизига назар соладиган бўлсак, – кўпчилик СНИКларни бирламчи сабаблари номаълумлигича қолмоқда, лекин шунга қарамай уларни ривожлантирувчи ва кучайтирувчи таъсирга эга бўлган омиллар аниқланган. Маълумки, инсонни турмуш тарзи, чекиш, жисмоний фаоллик даражаси, артериал гипертония, ортикча вазн, туз таъмини сезишни бузилиши каби ҳавф омиллари кейинчалик юрак-қон томир, нафас аъзолари, асаб тизими, эндокрин ва бошқа касалликлар ривожланишини асосий башоратловчилари сифатида аҳоли орасидаги СНИК тарқалишини аниқлаб беради. [Никитина И. Л., 2018; Азимова Ш. Ш. ва ҳаммуаллифлар, 2018].

Ҳозирги даврда сурункали ноинфекцион касалликлар (СНИК) муаммоси ўсмир ёшдаги болаларда касалланиш, ногиронлик ва шу касалликлардан келиб чиқадиган ўлим ҳолатларини кўпайишига ҳавф солувчи мойиллиги

натижасида бугунги кунларда ўзига эътиборни тортади [Порецкова Г.Ю., 2014; Рахимов Б.Б., 2016; Арсентьев В. Г. ва ҳаммуаллифлар, 2018; Akhmedova F.M., Agzamova S. A., Shamansurova E. A., 2019].

Охирги йилларда тиббиётга молекуляр-генетик текширувларни шифокорлар амалиётига фаол киритилиши касалликлар ривожланишида атроф-муҳит ва наслий омиллар юқини объектив аниқлашга ёрдам бермоқда. [Зеленко А.В., 2017; Баирова Т.А., 2018]. Сурункали ноинфекцион касалликларни ривожлантирувчи омиллари орасида тана-вазни индекси (ТВИ)нинг юқори кўрсаткичлари [Гурьева Л.Л., 2013; Баттакова Ж. ва ҳаммуаллифлар, 2017], катта ахамиятга эга бўлиб, ортиқча тана вазнини мавжудлиги артериал гипертония [Образцова Г.И., 2013], қандли диабет (ҚД) [Батулин А.К. ва ҳаммуаллифлар, 2017] касалликларини ривожланишига таъсир қилувчи, бронхиал астма (БА) касаллигини кечувини оғирлаштирувчи омил ҳисобланади [Мизерницкий Ю. Л. ва ҳаммуаллифлар, 2017], яъни бундай ҳолатларда синантроп касалликлар билан бирга, бу касалликларни ривожланишига жавоб берувчи умумий генлар мавжудлигини тахмин қилиш имкониятини беради. [Азарова Ю.Э., 2017; Terry C.F.E tal., 2018]. Бироқ мазкур касалликларда генетик детерминант маълумотлари бўйича изланишлар юзасидан турли илмий гуруҳлар қарама-қарши натижаларга келишмоқда. Бу эса ўз ўрнида, АГ, ҚД ва БА каби сурункали ноинфекцион касалликлардаги генлар полиморфизмини ўрганишдаги далилларни солиштириш ва якуний ҳулоса ишлаб чиқиш каби тадқиқотларни давом эттириш долзарблигини кўрсатади. [Мулерова Т.А., 2015; Лебеденко А.А., 2017; Milic M. Etal. 2015].

Юқорида келтирилганлар Ўзбекистон республикасида энг кўп учрайдиган касалликларнинг, жумладан ўсмир ёшдаги болаларда АГ, ҚД ва БАнинг ҳавф омиллари ҳамда прогностик маркерларини аниқлаш мақсадида тадқиқотларни ўтказишни талаб этади. Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этиш билан касалликлар профилактикаси ҳамда эрта клиникагача ташхислашдаги муҳим бўлган вазифани ҳал этишга эришиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 02090010-Давлат рақами билан рўйхатдан ўтган “Аҳоли саломатлигига инфекцион, техноген ва экологик омиллар таъсири” (2017-2020 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади ўсмир болалардаги сурункали ноинфекцион касалликлар шаклланишининг хусусиятларини ўрганиш билан соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббий-санитария тизими шифокорлари амалиётида ташхислаш ва даволаш усуллариини такомиллаштириш бўйича ёндошувлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасининг шаҳар ва қишлоқ шароитида яшовчи ўсмир ёшдаги болалар орасида сурункали ноинфекцион касалликларни келтириб чиқарувчи кенг тарқалган ҳавф омилларини аниқлаш;

ўсмир ёшдаги болаларида сурункали ноинфекцион касалликлари билан кечадиган асосий ҳамкор касалликлар учрашини аниқлаш;

ўсмир ёшдаги болаларда семириш, артериал гипертония, қандли диабет ва бронхиал астмага бўлган индивидуал мойиллик асосидаги генетик маркерлар ассоциацияси аҳамиятини ўрганиш;

ҳавф омиллари концепциясига асосланган профилактик башоратлаш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ўсмир ёшдаги болаларда унинг самарадорлигини баҳолаш;

ўсмир ёшдаги болаларда сурункали ноинфекцион касалликлар олдини олиш билан саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда умумий амалиёт шифокорлари томонидан олиб боришни илмий асосланган ва такомиллаштирилган ёндошувларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси (Қорақалпоқстон Республикаси, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган ва Тошкент вилоятлари)нинг мактаб ва коллежларида таҳсил олган 11 ёшдан 19 ёшгача бўлган 2302 нафар ўсмир-болалар ташкил килди.

Тадқиқотнинг предмети амбулатор карталар, веноз қон зардоби ва кеноз қон.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анкета-сўровнома ўтказилди, шу билан бирга ижтимоий-гигиеник, клиник-лаборатор ва инструментал ҳамда тиббий-генетик текширув усуллари ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи маротаба, кенг қамровли тадқиқотлар асосида, мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқ шароитида яшовчи ўсмир ёшдаги болаларда ноинфекцион касалликларни ривожлантирувчи ҳавф омиллари ва улар орасида овқатланиш бузилиши, пассив чекувчанлик, оксил-энергетик статус бузилиши, камҳаракатлик ва туз таъмини сезишни бузилиши мавжудлиги аниқланди;

ўсмир ёшдаги болаларда сурункали ноинфекцион касалликлар (АГ, СД ва БА)ни ривожланишига таъсир этувчи ҳамкор касалликлардан ортиқча вазн, юқори К/Б, наслий мойиллик, қонда қанд миқдорини юқорилиги ва дислипидемия (гипер- ёки гипохолестеринэмия)га устунлик қилиши белгиланди;

ўсмир ёшдаги болалар орасида сурункали касалликлардан кўп учрайдиган тўрттаси (АГ, ҚД, БА ва семизлик)ни генетик маркерларидан, AGT M235T гомозигот генотипининг Т аллели артериал гипертония касаллигини келиб чиқиш ҳавфини сезиларли оширувчи; IL-6 генини 174 G/C аллели ўсмир ёшдаги болаларда қандли диабетни келтириб чиқарувчи генотип эканлиги; ўсмир ёшдаги болаларда бронхиал астмани ривожлантирувчи маркери TNF-А генининг А аллелига тўғри келиши ва ўсмир ёшдаги болаларда семизлик ривожланиши FTO генининг 23525 A/T аллели орасидаги юқори боғлиқлигини ишончлилиги AA генотипини диагностик ва прогностик аҳамияти юқорилиги аниқланди;

ўсмир ёшдаги болаларда ҳавф омиллари концепциясига асосланган профилактик башоратлаш дастури асосида сурункали ноинфекцион

касалликлар, жумладан артериал гипертония ва семириш касалликларига наслий мойиллиги мавжудлиги аниқланди;

Ўсмир ёшдаги болаларда сурункали ноинфекцион касалликлар (АГ, ҚД ва БА)ни олдини олиш мақсадида тўғри ва соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, кун тартиби ва зарарли одатлардан воз кечиш каби тавсияларни ўзига олган илмий асосланган ёндошувлар ишлаб чиқилди ва унинг самарадорлиги баҳоланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

Ўсмир ёшдаги болаларда сурункали ноинфекцион касалликлар ривожланишини ҳавф даражасига мос равишда артериал гипертония, қандли диабет ва бронхиал астмага мойил ўсмирларни ҳавф гуруҳларига саралаш ўқув усулбуй тавсиялар ишлаб чиқилди;

Ўсмир ёшдаги болаларда ҳавф омилларга асосланган башоратловчи прогностик матрица, яъни сурункали ноинфекцион касалликларни ривожланишига таъсир этувчи ҳавф омиллар устиворлигини белгиловчи дастур ишлаб чиқилди;

Ўсмир ёшдаги болаларни шаҳар ёки қишлоқ шароитида яшашига боғлиқ ҳолатда саломатлигидаги ўзгаришларни аниқлаш, шу кўрсаткичларга асосланган ҳолда сурункали ноинфекцион касалликларни профилактикаси учун тўғри ва соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, кун тартиби ва зарарли одатлардан воз кечиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди;

артериал гипертония, қандли диабет, бронхиал астма ва семириш касалликларини клиник белгилари намоён бўлгунча эрта ташхислаш ва олдини олиш каби вазифани ечимида хисса қўшадиган башоратловчи генлар ассоциацияси (АГТ M235T, IL-6 генини 174 G/C аллели, TNF- α генини 308 G/A аллели, FTO генининг 23525 A/T аллел)ларини ишончлилиги боғлиқлигига асосланган натижаларини амалиётда қўллаш учун тавсиялар ишлаб чиқилди;

Ўсмир ёшдаги болаларда сурункали ноинфекцион касаллик (АГ, ҚД ва БА)ларни ривожлантирувчи ҳавф омиллари аниқланиши билан мазкур касалликлар келиб чиқишини камайтириш мақсадида ўсмир ёшдаги болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ёндошувларни такомиллаштирилган алгоритмлари ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларининг илмий аҳамияти, клиник-анамнестик, функционал, биокимёвий, генетик тадқиқотлар ёрдамида ўсмир ёшдаги болаларда

сурункали ноинфекцион касалликлар ҳавф омилларини аниқлаш, жумладан АГ, ҚД, БА, семириш каби касалликларига бўлган индивидуал генетик мойиллик ҳавфларини башоратловчи генетик маркерларни белгиланиши, ўсмир ёшдаги болалар орасида сурункали ноинфекцион касалликларни ривожлантирувчи асосий ҳавф омиллар тарқалишини олдини олиш ва камайтириш ҳамда АГ, ҚД, БА касалликларини эрта клиникагача ташхислаш, касалликлар асоратланишини олдини олишга йўналтирилган даволаш ёндошувларини такомиллаштириш имконини яратади, бу эса ўсмир ёшдаги болаларни амбулатор шароитда даволаш соҳасида илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Тадқиқотларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар шаҳар ва қишлоқ шароитида яшовчи ўсмир ёшдаги болаларда сурункали ноинфекцион касалликлар ривожлантирувчи ҳавф омилларни ва ҳамкор касалликларини эрта аниқлашга ёрдам беради ва ўсмир ёшдаги болалар контингентида аниқланган бузилишларни даволашга индивидуал ёндошишда самарали натижаларга эришишга, бу эса болалар контеингентида прогнозни яхшилаш, ногиронликни камайтириш ва ҳаёт сифатини оширишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўсмир ёшдаги болаларда сурункали ноинфекцион касалликлар ривожланиш хусусиятлари ҳамда ташхислаш ва даволаш ёндошувлари усулларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар натижаси асосида:

«Ҳавф омиллари концепцияси асосида ўсмир ёшдаги болалар ноинфекцион касалликларини давосини олиб бориш» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 08 ноябрь 2016 йилги №8н-р/168-сонли баённомаси) мавзусидаги услубий тавсиялар тасдиқланган. Ишлаб чиқилган услубий тавсиялар Ўзбекистон ҳудудида ноинфекцион касалликларни олдини олиш чоралари самарадорлигини ошириш имконини яратади;

«Ўсмир болаларда артериал гипертензия профилактикасининг реабилитацион ёндошувлари» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 августдаги №8н-р/222-сонли маълумотномаси) мавзусидаги услубий тавсиялар тасдиқланган. Қуйидаги услубий тавсияларда артериал гипертензия билан оғриган ўсмир ёшдаги болалар орасида соғлом турмуш тарзини юритиш орқали профилактик тадбирлар ҳамда физитерапевтик усуллар киритилган ноинфекцион касалликларни номедикаментоз давоси келтирилган;

«Ноинфекцион касалликлар ривожланиши ҳавф гуруҳида бўлган болаларда профилактик чораларни такомиллаштириш» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 августдаги №8н-р/221-сонли маълумотномаси) мавзусидаги услубий тавсиялар тасдиқланган. Қуйидаги услубий тавсияларда ўсиб бораётган авлодни саломатлигини муқобиллаштириш ва қобилиятини сақлаш учун хизмат қиладиган соғлом турмуш тарзини юритиш орқали касаллик олдини олиш тадбирлари ҳамда физитерапевтик усуллар киритилган ҳолда ноинфекцион касалликлар номедикаментоз давосикелтирилган;

Илмий натижалар соғлиқни сақлашни амалий тизимига, шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида: Нукус шаҳри

ШТБ; Тўрткул тумани ва Хўжайли тумани ТТБ; Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бош бошқармаси; Сурхандарё вилояти Ангор туман тиббиёт бирлашмаси; Тошкент шаҳар Яшнабод туман тиббиёт бирлашмаси; Сирдарё вилояти Гулистон туман Марказий кўптармоқли туман поликлиникаси ва Жиззах вилояти №2-сон оилавий поликлиникаси тадқиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 октябрдаги 8н-д/224-сонли хулосаси). Ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу тасдиқландики, ўсмир ёшдаги болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйичаишлаб чиқилган худудий модель ўсиб бораётган авлод қобилиятини сақлаш ва саломатлигини муқобиллаштиришнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин. Мазкур услубларни қўллаш натижасида тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик мавжуд бўлиб, ноинфекцион касалликлар учраши 20,5% га, давога кетадиган харажатни 33%га ва болалар ўлими, ногиронлиги ва касалланиши деярли 1,5 мартага камайиши кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган, жумладан 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий ишлар чоп этилган, улардан 13 та илмий мақолалар, шу жумладан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган рўйхатнинг Республика миқёсидаги журналларида 9 та ва хорижий журналларида 4 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, 7 боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 176 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида муаммонинг долзарблиги ва даражасини ўрганиш асосланди; тадқиқот ишини илмий изланиш ишларининг мавзули режалари билан боғлаш; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган; соғлиқни сақлаш соҳаси учун натижаларнинг илмий янгиллиги ва амалий аҳамияти; ишни муҳокама қилинганлиги; диссертация тузилиши ва унинг ҳажми.

Диссертациянинг «**Болалар саломатлиги ва уни ҳозирги босқичда шакллантирадиган омиллар**» деб номланган биринчи бобида дунёнинг турли минтақаларида худудий ва миллий даражада болалар саломатлиги бўйича мавжуд адабиётларни таҳлили, педиатр нуқтаи назаридан (сурункали) ноинфекцион касалликларнинг муаммолари, шунингдек, болалар саломатлигини бошқариш усули сифатида хавф омилларини олдини олиш келтирилган. Тадқиқотларни давом эттиришни талаб этадиган мунозараларга оид саволлар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Тадқиқотнинг материаллари ва услублари**” мавзусида бўлиб, унда тадқиқотни олиб бориш жараёнида жалб этилган ресурслар, фойдаланилган текширув усуллари ва услублар тўлақонли

ёритилган. Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасининг 6 та худуди (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Сирдарё, Наманган ва Тошкент вилоятлари) аҳолиси сонидан уюшган болалари бўлди.

Бир босқичли эпидемиологик тадқиқотда 2302 нафар ўсмир болалар текширувдан ўтказилди, улардан 1163 нафари қиз (49,5%) ва 1139 нафар ўғил бола (50,5%)ни ташкил этди. Тадқиқот умумтаълим мактабларининг 5-, 6-, 7- ва 8-синф ўқувчилари, шунингдек, 1-чи ва 2-чи курс колледж талабаларида ўтказилиб, танлаб олиш усули (11-19) ёш оралиғида узлуксиз йўл билан амалга оширилди. 845 ўсмир ёшдаги болалардан (36,7%) шаҳарда яшашлари ва 1187 нафари – (63,3%) қишлоқ шароитида яшашлари аниқланди. Тадқиқот танлаб олишнинг узлуксиз усули билан шакллантирилиб, эпидемиологик жавоб 92,5% (2129 та бола)ни ташкил этди.

Бирламчи скрининг текширувидан сўнг оилавий (марказий кўптармоқли) поликлиника негизида экспериментал-профилактик номедикаментоз даволаш тадбирлари ташкил этилди ва ўтказилди.

Аралашув гуруҳига 830 мактаб ўқувчи киритилган бўлиб, шу жумладан 477 ўғил болалар (57,5%) ва 353 қиз болалар (42,5%). Ўз навбатида, назорат гуруҳига мос ёшдаги 347 нафар мактаб ўқувчилари киритилиб, улардан ўғил болалар 175 (50,4%) ва қизлар 172 (49,6%)ни ташкил қилди.

Текширувда қўлланиладиган усуллар ва мезонларнинг хусусиятлари:

1. Сўровнома – болаларда сўровнома ўтказиш.
2. Антропометрик кўрсаткичларни аниқлаш: тана оғирлиги, бўй ва ТВИ;
3. Артериал қон босимни ўлчаш: 2 марта артериал қон босими ўлчовини ўтказиш;
4. Юрак ритмини (юрак қисқариш сонини) ҳисоблаш;
5. Нафас олиш сонини ҳисоблаш
6. Пикфлоуметрия
7. Умумий қон, пешоб тахлиллари: мактаб ва колледж бириктирилган тиббиёт муассаси лаборатория ходимлари таклиф этилган ҳолда, болалардан махсус пробиркаларда қон зардоби ва махсус идишларда пешобни тахлил учун олинди.
8. Қонда умумий холестерин (ХС) миқдорини аниқлаш туман тиббиёт бирлашмаларида ўтказилди, умумий холестерин концентрациясини Human-Cholesterol-Liquircolorдан фойдаланилган ҳолда аниқлаш;
9. Қон зардобидаги қанд миқдорини глюкоза-оксидант усули билан аниқланди. Қон зардобида глюкоза текшируви мос равишдагитуман тиббиёт бирлашмаларининг биокимё лабораториясида ўтказилди.
10. Қоннинг С-реактив оқсили - қоннинг С-реактив оқсилини ўрганиш тадқиқот ўтказилган худуднинг туман тиббиёт бирлашмаларининг биокимёвий лабораториясида ўтказилди.
11. Тузни таъм сезувчанлигини бузилиши Э.Х. Константинов ва ҳам муаллифлар (1983) томонидан модифицирланган ва R.Henkin томонидан ишлаб чиқилган тузни таъм сезувчанлиги чегара қийматини белгилаш усулида ўтказилди.

Артериал гипертензияси бор 38 нафар болаларда AGTM235Тген полиморфизми тахлили ўтказилган, улардан 47,37% қизлар ва 52,63% ўғил болалар ва 54 нафари популяцион назорат гурухидир. *IL-6* генини 174 G/Сбир нуклеидли полиморфизми (БНП) орасидаги боғлиқлиги 42 нафар Қандли диабет бор болаларда, улардан 54,76% қизлар ва 45,24% ўғил болалар, ва 62 нафари популяцион назорат гурухида тадқиқотлар ўтказилди. *TNF-А* генини 308 G/А - БНП орасидаги боғлиқлиги 42 нафар бронхиал астма болаларида, улардан 38,1% қизлар ва 61,9% ўғил болалар ва 62 нафари популяцион назорат гурухида тадқиқотлар ўтказилди. FTO генини 23525 A/Т семириш ривожланган болалардан 41 нафарида текширилди, улардан 41,96% қизлар ва 58,54% ўғил болалар ва 54 нафари популяцион назорат гурухида тадқиқотлар ўтказилди.

Олинган натижаларни корреляцион таҳлил қилиш ва технологик қайта ишлашни амалга ошириш учун “МС exzel-XP” дастурлари қўлланилди (Айвазян С.А., 1985, Боровиков В.П., Боровиков И.П., 1997). Корреляцион таҳлиллар Кандалл усули (Rk) ёрдамида амалга оширилди ва унинг натижаларини баҳолаш йўналиши (белги), мутлақ қиймат (куч) ва боғлиқликнинг ишончилиги (р) ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси болаларининг соғлиғини шакллантирувчи омиллар» деб номланган учинчи бобида ўсмир ёшдаги болалар орасида ноинфекцион касалликларнинг нозологик шакллари нитарқалиши ва касалланиш таснифи келтирилган, шунингдек, СНИК ривожланиши ҳавф омиллари аниқланган.

Касалликлар тарқалишини таҳлилида (Ўзбекистон Республикаси статистик маълумотлар), қон босими ортиши билан ифодаланган касалликлар тарқалиши таҳлил этилса, ўсмирлар орасида қуйидаги касалликлар ўсишига мойиллиги борлиги аниқланди, агарда 2010 йилда бу кўрсаткич 100 000 аҳоли сонига нисбатан 44,75 ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 100 000 аҳоли сонига нисбатан 54,04 гача ўсди. Жумладан, нишон-аъзолар жарҳатланиши гипертоник касаллиги болалар орасида 100 000 аҳоли сонига 0,08 ва 100 000 аҳоли сонига нисбатан ўсмирлар орасида 6,40 ни ташкил этди, бу эса ўз ўрнида барча аниқланган беморлардан 5,5% ташкил этди. Эндокрин тизими, овқатланиш ва оксил алмашинуви бузилишлари касалликлари билан ўсмир ёшдаги болаларнинг касалланиш даражаси сезиларли пасайди, агарда 2010 йилда бу кўрсаткичлар 100 000 болалар аҳолиси орасида 4265,86 га ва 100 000 ўсмирлар аҳолисига эса 6725,20 бўлса, 2012 йилда уларнинг сони мос равишда 3703,93 ва 6186,11 ни ташкил қилди.

Эндокрин тизимининг касалликлари орасида қандли диабет касаллиги 100 000 болалар аҳолисига нисбатан 3,03 ни ва 100 000 ўсмирлар аҳолисига нисбатан 5,76 да учради.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ошқозон-ичак тизими касалликларининг тарқалиши 14 ёшгача бўлган ўсмир ёшдаги болалар орасида ҳам ошиб бориш тенденцияси мавжуд.

Ўтказилган профилактик кўрув асосида ноинфекцион касалликларни қуйидаги кўрсаткичлари аниқланди. Сўнгги йилларда буйрак

касалликларининг тарқалиши 14 ёшгача бўлган болаларда 9,4 фоизга, ўсмирларда эса 2,6 фоизга кўпайди. Афсуски, буйрак касаллиги профилактикаси Ўзбекистонда ҳал этилмаган муаммолардан биридир. Буйрак етишмовчилиги билан бирламчи нефрология бўлимларига келувчи ўсмир ёшдаги болалар сони барқарор ўсиб бормоқда.

Профилактик текширувлар натижасида сўнгги беш йил ичида жисмоний ривожланишдан орқада қолаётган ўсмир ёшдаги болалар сонининг ортиши аниқланди, айнан шундай тенденция асаб-рухий ривожланишдан орқада қолишни таҳлили натижасида ҳам аниқланди кузатилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида замонавий шароитда яшовчи ўсмир ёшдаги болаларнинг саломатлик даражаси кенг тарқалган морфофункционал бузилишлари, сурункали касалликлар, жисмоний ва ақлий ривожланиш бузилишлари билан таснифланади. Ўсмир ёшдаги болалар муҳитида салбий ҳодисаларнинг ўсиши жамият ва давлатнинг асосли оғоҳлигини келтириб чақиради. Шу боис мазкур гуруҳнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш бугунги кунда соғлиқни сақлаш ва давлат олдида турган вазифадир.

СНИК ҳавф омилларининг тарқалиш даражаси тизимини таҳлил қилиш билан ноинфекцион касалликларда энг тез-тез учрайдиган ҳавф омиллари жисмоний фаолликни пастлиги аниқланди – натижада ўсмир ёшдаги болаларнинг 39,7% (915), шу ўринда қизларда ўғил болаларга нисбатан бу кўрсаткич 1,5 баробар кўпроқ учраши, мос равишда - 59,9% да (548 нафар ўсмир ёшдаги болалар) ва 40,1% да (399 нафар ўсмир ёшдаги болалар)ни ташкил қилди ($p < 0,01$).

Туз таъмини сезувчанлигини бузилиши, кейинчалик ортикча ош тузини истъеъмол қилишга олиб келиб ва артериал гипертензия ривожланишини келтириб чиқаради, ҳар 3 мактаб ўқувчисида аниқланди, яъни 33,9% ҳолатда, бунда ўғил болаларда кўпроқ учраш тенденцияси билан кузатилди (36,8% да 30,9%га қарши).

СНИК учраш частотаси бўйича кейинги башоратловчи омил дислипидемия (25,5%) бўлиб, ишончли тафовутлар сезилмаган ҳолда (ўғил болаларда 26,8%ни ва қиз болаларда 24,2%) бўлиб чиқди. Бунда липид спектр бузилишининг шаклланишига гипо-альфа-холестеринемия энг катта ҳисса қўшган бўлиб, ДЛПнинг барча ҳолатлари орасида 94,3% ташкил этди, айти пайтда гиперхолестеринемия ва гипертриглицеридемия ҳоллари эса камроқ ва фақат қизлар орасида учради.

Қонда глюкоза миқдорининг баландлиги - гипергликемия - ўрганилаётган болаларнинг 3,1% да, худди шу тенденцияни (2,7% га нисбатан 3,9%, $p > 0,05$) ўзида тутган эди.

Юқори қон босими СНИКнинг энг жиддий башоратловчи омилларидан бири, дислипидемия ва чекиш билан бирга юрак-қон томир ҳавф омилларининг “катта учлик” гига киради. Тадқиқотдаги болаларнинг 4,9 %ида юқори қон босими (ЮҚБ) белгилари мавжуд эди. Ўғил ва қиз болалар орасида уларнинг учраши бир хил бўлиб (4,8% қарши 5,1%), жумладан изоляцияланган диастолик қон босимининг кўтарилиши (2,5%) бўлиб, уэнг

кўп тарқалган эди, изоляцияланган систолик ва систоло-диастолик ЮҚБнинг 2 мартага кўп учраши тенденцияси билан (1,2% ва 1,2% мос равишда).

11-12 ёшли болаларда вазн етишмовчилигининг тарқалганлиги биринчи бор баҳоланди- 16,7%, жумладан ўғил болалар орасида 13,8%, қизлар орасида эса 19,9% (1,5 марта кўп, $p < 0,05$). Кўринишидан, аёлларнинг вазни йўқотиш орзусига боғлиқлик ва замонавий тус олганлик ҳолати, кичик ўсмирлик ёшиданок ривожланишни бошлайди. Ўз ўрнида ортиқча тана вазни 10,4% ташкил этсада, семизлик ташхиси 4,1% ўсмирларда учради.

Сўровнома таҳлили ўсмирларнинг 48,4%ида озиқ-овқатларини ташкил этишининг ўзига хос камчиликларини кўрсатди: овқатланиш тартибини бузилишлар (14,8%); асосий овқат маҳсулотларини етарли даражада истеъмол қилмаслик: сут ва сабзавотлар (ҳар бири 15,2%), творог ва пишлоқ (48,4%), ёғ ва ўсимлик мойлари, ёрмалар (36,7%), мевалар (14,8%); кондитер маҳсулотлари ва ширинликларни тез-тез истеъмол қилиш (81,1%) –ҳар иккинчи бола кунига бир марта ёки бир неча марта истеъмол қилган. Келтирилган маълумотлар мутлақ кўпчилик ўсмирларда овқатланиш бузилишларини тавсифлайди, саломатликни «бошқариладиган» омилларидан бири сифатида баҳоланиши керак.

Саломатлик этиопатогенезини шакллантирувчи омилларининг ижтимоий-ахлоқий туриничуқурроқ тушуниш учун башоратловчи омиллар таркибидан чекишнитубдан таҳлили ўтказилди. Юқорида келтирилганлардан нафақат фаол, балки пассив чекишни ҳам мавжудлиги ўрганилди. Сўровномада иштирок этган ўсмирларнинг 59,4%, шу жумладан ўғил болаларнинг 64,1% ва қизларнинг 55,0% яқин дўстлари ёки ота-оналари уларнинг ёнларида чекишларини билдиришган. Шундай қилиб, пассив чекишнинг тарқалиши етарли даражада юқори, аҳолининг ҳар учинчи боласи ўз оиласида пассив чекиш ҳолати таъсириникечиради, қолганлари эса мактабда уйда тенгдошлари ҳамда бошқалар каби чекиш ҳолатларида иштирок этадилар.

Нотўлиқ оилалардаги ўсмирларда (баркамол оилаларга нисбатан) олдинги ҳавфлар – дислипидемия (30,2% ва 24,3% мос равишда) ва туз таъмини сезувчанлигини бузилиши (14,2% ва 12,8% мос равишда) таъсири оқибатида ҳулқ-атвор ҳавф омиллари – паст жисмоний фаоллик (41,4% ва 38,8% мос равишда) деярли кўпроқ учраши кузатилди. Тана вазнини эса аксинча кам учраб (12,4% нисбатан 17,8%га мос равишда) орқада қолиши кузатилди.

Сурункали ноинфекцион касалликларганаслий моилликни ўрганишда қуйидагилар аниқланди, текширувдан ўтказилган болала ота-оналарининг ярмидан кўпи (57,2%) у ёки бу НИКлари мавжуд эди, жумладан юрак ишемик касаллиги, артериал гипертония, сурункали носпецифик ўпка касалликлари, эндокринопатия ва бошқалар. Семиришни наслий моиллиги таҳлил ўтказилганида 21,4% ўсмирларнинг ота-оналаридан бирида семириш касаллиги борлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин, жисмоний ривожланишини баҳолаш ва ҳамроҳ касалликларини инобатга


олган ҳолда, Ўзбекистонда НИК бор ўсмирларни саломатлик ҳолатини ўрганиш ва НИК шаклланишида ҳавф омиллари учрашини комбинацияланган тахлили, ноинфекцион касалликлар асоратларини олдини олиш бўйича даво-профилактик тадбирлар олиб бориш ва ўз вақтида касаллик оғирлик даражасини баҳолаш имконини беради.

Диссертацияснинг «Ноинфекцион касалликлар ривожланиш хавфи гуруҳига кирувчи ўсмир болаларнинг саломатлиги ҳолати» деб номланган тўртинчи бобида ўсмир-болаларда НИК ривожланиши ҳавф гуруҳларини тақсимланиши учун хос бўлган ва АГ, ҚД, БАни якуний ташхисини қўйиш учун ишлар бир неча босқичда амалга оширилди.

Ноинфекцион касалликларга моиллиги бўйича ҳавф гуруҳларга болаларни тақсимлашда олинган натижалар маълумотлари ҳисобга олинди, унда 2 ва ундан кўп билвосита ҳавфлари бўлган болалар киритилган, шу билан бирга 1 ва ундан кўп бевосита, яъни НИК (АГ, ҚД, БА) ривожланишига тўғридан тўғри таъсир этувчи ҳавфларни киритилиши мажбурий талаб бўлган.


Ҳавф омилларни ноинфекцион касалликлар (АГ, ҚД, БА) ривожланишига таъсири даражаси бўйича 829 нафар ҳавф гуруҳига кирувчи болалардан 295 (35,6%) нафаридан аниқланди. Патологияси мавжуд болалар орасида, олдиндан тахмин қилиш имконини берувчи омиллар орасида энг кўп учраганлари туз таъмини сезувчанлигини пасайиши (35,2% га нисбатан 30,2%), чекиш (9,7% га нисбатан 4,3%), дислипидемия (27,4% ва 20,3%) учраши кузатилди.

Таъсир қилиш даражасидаги фарқланишлар шунингдек қуйидаги ҳавф омиллари томонидан ҳам кузатилди, яъни ортиқча вазн (13,2% беморларда ва 16,1% соғлом болаларда), қонда қанд миқдорини ортиши (3,3%га нисбатан 3,1%, $p > 0,05$) (1-расм). Кўпгина одатий ҳавф омиллари сурункали ноинфекцион касалликлар билан оғирган болаларда кўпроқ учради. Бунда соғлом болаларда эса тана вазнини етишмаслиги эса бемор болаларга нисбатан 1,7 мартага кам учраши кузатилди (10,4% га нисбатан 17,3%, $p < 0,05$), камхаракатлик эса (гиподинамия) - 1,8 мартага кам (20,7% га нисбатан 40,2%, $p < 0,005$).



Расм. 1. НИК ривожланишига таъсир қилувчи бевосита омиллар тарқалганлиги

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибтики, НИК ривожланишига мойиллар гурухи орасида АГ касаллиги кўп учраб 24,5% ташкил этди, 9,3% ҳолатларда БА аниқланиб, 2,8% болаларда ҚД тасдиқланди (2-расм).




2-расм. Ҳавф гурухидаги болалар орасида НИКларни бирламчи аниқланиш ҳолати.

АГ билан касалланган болалар ёш даражаси 11 ёшдан 18 ёшгачабўлиб, энг юқори улуши 14-18 ёшларда кузатилиши аниқланди (ўртача ёш $15,1 \pm 2,4$ ёш). Улардан катта мактаб ёшидаги болалар орасида АГ касаллиги энг кўп кузатилди, шу билан бирга 9 ёшдагиларда нисбатан юқори кўрсаткичлар аниқланди. Эркак / аёл нисбати даражаси: 5,4 / 1 ни ташкил этди.

Артериал гипертензия таркибида (барча артериал гипертензия билан касалланганлар орасида 83,3% (169 бола)) эссенциал артериал гипертензия нисбатан кўпроқ эди. Фақатгина 34 беморда қон босимини кўтарлишини (артериал гипертония) иккиламчи ҳолати тасдиқланиб, юқори қон босими борасида даволанган болалар сонидан 16,7%ни ташкил этди.

Болалардаги иккиламчи артериал гипертензия орасида эндокрин касалликларда қайд этилган гипертензияларкўпроқ учраб (66,9%) аниқланди. Беморларнинг 18,3% гипертензия буйрак жароҳатланишига нисбатан иккиламчи характерга эга эди. Болаларнинг 8,9% да реноваскуляр гипертензия қайд этилди. Операция қилинган аорта коарктацияси фонида резидуал артериал гипертензия 5,9% болаларда аниқланди (3-расм).



3-расм. Иккиламчи артериал гипертензиянинг тузилиши

107 беморларда 1 даражадаги артериал босим кўтарилиши қайд этилди, бу эса барча АГ билан касалланган болалар орасида 52,7% ни ва 96 болаларда 2 даражадаги артериал гипертония аниқланиб, у (47,3%) ташкил этди.

Текширилган кўпчилик болаларда (87,2% и 177 болалар) нишон-аъзолар жароҳатланиши объектив белгиларисиз қон босимини кўтарилиши (1 босқич гипертония) кузатилди. Артериал гипертензияни 2 босқичи, бир ёки бир неча нишон-аъзолар жароҳатланиши тахмин қилинганлиги мавжуд 31 беморларда (15,3%) аниқланди. Нишон-аъзолар жароҳатланиши тизимида – чап қоринча гипертрофияси юқори бўлиб (АГ билан оғриган барча болалар орасида 9,4%(19 нафар), 5,9% ҳолатда (12 нафар)да кўз тўр пардаси ангиопатияси аниқланди.

102 бола (50,2%) болаларда ортиқча тана вазни қайд этилди, 87 нафар болада (42,9%) семизлик ва фақат 14 нафар болада тана вазни индекси (ТВИ) меъёрида қайд этилди.

Гипертония билан оғриган барча болаларда озуқа воситаларини алмашинуви бузилишини келтириб чиқарган, нораціонал овқатланиш аниқланди. Шу билан бирга бу болаларда гиподинамия тасдиқланди.

174 (85,7%) беморларда артериал гипертензияга ирсий мойиллик аниқланди. 29 нафар боланинг оиласида юрак-қон томир касалликлари йўқ эди.

АГ билан касалланган болаларда қон босимини кўтарилиши ўртача СҚБ-136,5 ва ДҚБ-92,4 мм.сим.уст. Бир вақтнинг ўзида АГси йўқ тенгдошларида бу рақамлар СҚД-110±2,7 ва ДҚБ-68,2±1,8 мм.сим.уст. нини ташкил қилди. Болаларнинг 18,3% да пешобда оқсиллар қайд этилди, бу болаларда буйрақлар жароҳатланишига нисбатан иккиламчи характери кузатилди.

Шу ўринда С-реактив оқсилни юқори кўрсаткичлари АГ билан касалланган болаларнинг 69,5%да тизимли яллиғланиш жавоб синдромининг иккиламчи медиатори сифатида аниқланиши, носпецифик яллиғланиш ва нишон-аъзолар жароҳатланишини нейрогуморал механизми ривожланишидан далолат беради.

Юрак қон-томир асоратлари ривожланишининг асосий омилларидан бири холестерин кўрсаткичларини кўтарилганлигидир. Бизнинг тадқиқотда холестериннинг ўртача кўрсаткичлари меъёрий кўрсаткичлар 3,2 - 5,2 ммоль/л бўлганида, АГ билан касалланган болаларда 8,4± 0,3 ммоль/лни ташкил этди.

Ҳавф гуруҳига кирувчи 829 нафар ўсмир ёшдаги болаларни тахлиliga кўра оч қоринда аниқланган қондаги қанди миқдорини кўтарилганлиги 23 нафар болада аниқланди, улардан 15 нафарида 7,5 ммоль/л дан юқори, ўртача кўрсаткичларни 7,9±0,02 ммоль/лни ташкил этган бўлса, 8 нафар болаларда бу кўрсаткичлар 8,0 ммоль/лдан чегарадан юқори (ўртача кўрсаткич - 10,5±0,1 ммоль/л) ташкил қилди.

Гликозириланган гемоглабин таркибига боғлиқ равишда молекуляр ва хужайра даражасида морфофункционал бузилишлар юзага чиққанлигини аниқлаш мақсадида, беморлар 2 гуруҳга тақсимланган эдилар – биринчи гуруҳда субкомпенсацияланган ҚД - 15 нафар беморни ва декомпенсацияланган ҚД- 8 нафар беморни ташкил этди. Асоратларни ривожланиши бўйича маълумотларни тахлил қилиб, декомпенсацияланган ҚД беморларида микро- ва макроангиопатиялар учраши ишончли кўп бўлиб,

асоратларни гипергликемия даражасига боғлиқ бўлишини яна бир бор тасдиқлади. Икки гуруҳда ҳам беморларда ҚБнинг юқори кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, улар ўртача СКБ – $138,6 \pm 3,2$ мм.сим.уст.; ДҚБ – $92,6 \pm 1,2$ мм.сим.уст. ни ташкил этди ҳамда барча болаларда ортикча вазн ва семизлик кузатилган эди, икки гуруҳда ҳам ТВИ ўртача $28,8 \pm 2,6$ ва $29,1 \pm 2,4$ кг/м² ни ташкил қилиб, декомпенсацияланган ҚД гуруҳида нисбатан юқорилиги аниқланди. Шу билан бирга, барча ўсмир ёшдаги болаларда ҚДга наслий мойиллик мавжудлиги аниқланди.

Умумий холестерин даражасини тахлилида компенсацияланган ҚД беморлари гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан деярли бир хил, иккинчи гуруҳ беморлари билан солиштирилганида эса $1,12$ ммоль/литрга ишончли паст эди. Триглицеридлар миқдори биринчи гуруҳ беморларида назорат гуруҳига нисбатан юқори, лекин иккинчи гуруҳга нисбатан паст ($1,39 > 1,72 < 1,98$ ммоль/л мос равишда).

СР-оксилни юқори кўрсаткичлари $15,4 \pm 2,3\%$ компенсацияланган ҚД беморлари гуруҳида ва декомпенсацияланган ҚД беморлари гуруҳида $48,6 \pm 4,5\%$ усраб, орасидаги тафовут $33,27\%$ ($P < 0,05$) ни ташкил этди.

69 нафар болаларда БАнинг клиник белгилариодатий эди. Беморлар тўсатдан пайдо бўлган нафас сиқиши хуружларига шикоят қилдилар. Ремиссия даврида экспиратор нафас хансираш белгилари йўқ эди. Ўпкада ўзига хос хириллашлар ҳам йўқ эди. Болаларда бронхиал астма касаллигининг клиник кечувини ёшга доир фарқловчи баъзи хусусияти мавжуд эди. Ўсмирларда қуруқ хириллашлар кузатилди, шу вақтнинг ўзида ёшроқ болаларда нам хириллашлар устивор эди. Бронхиал астма бўлган ўсмир ёшдаги болаларда жисмоний ўсиш ва ривожланишда орқада қолиши кузатилди. Шундай қилиб, ўсиш суръатлари ўғил болалар учун стандартларга нисбатан $8,4-11,8\%$ га, қизлар учун эса $8,6-11,3\%$ гача пастлиги аниқланди.

Тана вазни кўрсаткичлари ўғил болаларда стандартларга нисбатан $21,1-40,1\%$ га паст, қиз болаларда эса $26,0-39,3\%$. Ҳавф омиллари ҳам сезиларли кўрсаткичларга эга бўлиб, наслий мойиллик ($50,7\%$), фокал инфекциянинг мавжудлиги ($59,4\%$) ва асосий касалликни бошқа аллергик реакциялар ва касалликлар билан кўп ҳолатларда биргаликда учраши ($69,6\%$) ни тақшил этди.

Интервал кўрсаткичларни баҳолашди ўртача юрак қисқариш сони (ЮҚС) $80,5 \pm 2,7$ дақиқада/сонини ташкил этди. Бронхиал астма билан касалланган ўсмир ёшдаги болаларда ҚБ меъёрий кўрсаткичларини тез-тез учраши аниқланди ($10-14$ ёшда $110 \pm 69,5$ мм.сим.уст. ва $15-18$ ёш болаларда $115,2 \pm 1,6$ мм.сим.уст.). Қон босимини систолик ($32,3\%$) ва диастолик ($28,6\%$) кўрсаткичларини кўтарилиши БАни ўрта оғирликда кечирувчи ўсмир ёшдаги болаларда, енгил даражадаги болалар гуруҳига нисбатан (СКД учун - $19,5\%$ ва ДҚБ учун $14,8\%$ % мос равишда) кузатилди. Қон босими кўрсаткичларини пасайиши бир хил тенгликда икки гуруҳга хос эди.

БА билан оғриган ўсмир ёшдаги болаларни текширувида НЧЮТ(ПСВ) якуний кўрсаткичга нисбатан ишончли пасайиши меъёрдан $1,5$ баробарга камайганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, ўрта оғирлик даражасидаги бронхиал астмаси мавжуд болаларда, қон босимининг нисбатан юқори кўрсаткичлари, ЮҚС ката вариабеллиги, қон-томир тизими фаолиятини яққол таранглашуви ва келажакда гипертония касаллиги ривожланишини кўпайтиришидан далолат беради.

Диссертациянинг бешинчи боби «Ўсмир ёшдаги болалардаги ноинфекцион касалликларни ривожланишида ҳавф омилларини интеграл баҳолаш» деб номланиб, унда НИК ривожланиш ҳавфларини прогностик матрицаси келтирилган. Қуйидаги (1-жадвал) да прогностик матрица, яъни прогнозлаш учун танлаб олинган барча омиллар, уларнинг даражаси ва ҳавфни интегралланган кўрсаткичиниалоҳида (X) омил таъсир кучидан, ҳар бир омил бўйича нисбий ҳавф кўрсаткичи (R) ва омиллар комплекси бўйича йиғиндиси (RN), шунингдек меъёрлаштирадиган катталиқ – тадқиқотнинг умумий маълумотлари бўйича ўлим ҳолати учрашини ўртача кўрсаткичи (N) ўзида тутади.

Ўз ўринда, НИК ривожланиш ҳавфини индивидуал прогнозлаш гуруҳлари ва поддиапазонлари қийматлари қуйидагича эди (2-жадвал). Болалардаги НИК ривожланишига катта ҳисса қўшадиган асосий омиллар қуйидагилардир: жисмоний фаолликнинг пастлиги (3,05); оиланинг ижтимоий даражасини пастлиги (2,34); ортиқча тана вазни (1,94); қон босимини кўтарилиши (1,86); қонда қанд миқдорини ортиши (1,66); С-реактив оқсилни ортишидир (1,41). Барча юқорида келтирилган омилларни «ўзгариши мумкин» ёки коррекция қилинадиганларга киритилади. Бу шуни англатадики, инсон бу омилларни ўзгартириши ва шу билан турли ноинфекцион касалликлар ривожланиши ҳавфини камайтира олади.

Жадвал-1

Ўсмир ёшдаги болаларда НИК ривожланиши ҳавфини комплекс баҳолаш учун прогностик матрицаси

| Белгилар | | % | НИП | НХ | ЧИ | | |
|---------------------------------|-----------|------|-------|------|------|------|------|
| | | | | | | мин | макс |
| Болалар ёши | 11-14 ёш | 31,6 | 1,621 | 1,55 | 2,51 | 2,51 | 2,68 |
| | 15-18 ёш | 22,1 | 1,133 | | 1,76 | 1,76 | 2,72 |
| Жинси | Ўғил бола | 27,3 | 1,400 | 1,27 | 1,78 | 1,78 | 2,26 |
| | Қиз бола | 34,7 | 1,779 | | 2,26 | | |
| Жисмоний фаолликнинг пастлиги | Ха | 28,6 | 1,467 | 3,05 | 5,54 | 2,54 | 4,61 |
| | Йўқ | 30,0 | 1,538 | | 1,61 | | |
| Оиланинг ижтимоий даражаси паст | Ха | 33,3 | 1,708 | 2,34 | 2,29 | 1,70 | 2,29 |
| | йўқ | 24,8 | 1,272 | | 1,7 | | |
| Чекиш (суст, фаол), алкоголь | Ха | 35,0 | 1,795 | 1,64 | 2,94 | 1,8 | 2,94 |
| | Йўқ | 21,4 | 1,097 | | 1,8 | | |
| Норационал овқатланиш | Ха | 54,5 | 2,795 | 1,90 | 5,31 | 2,80 | 5,31 |
| | Йўқ | 28,7 | 1,472 | | 2,80 | | |
| Ортиқча тана вазни | Ха | 27,3 | 1,400 | 1,94 | 4,60 | 1,60 | 4,82 |
| | Йўқ | 31,1 | 1,595 | | 1,82 | | |
| ООЭ | Ха | 32,0 | 1,641 | 1,23 | 2,02 | 1,65 | 2,02 |
| | Йўқ | 26,1 | 1,338 | | 1,65 | | |

